

ШАРТНОМА №18
(сиқилган ва сиқилган газ ёқилгиси билан таъминлаш бўйича хизмат курсатиш)

«21» январь 2022 й.

Пастдарғом тумани.

«Мунис ойдин нури х\к» кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи директори Наханов.А номидан, бир томондан ва Пастдарғом туман ирригация бўлими, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи бошлик в.в.б. Турниязов М номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи	Жами махсулот микдори	Умумий Суммаси
1	Сиқилган газ	М3	2500	1200.	3000000
2	Суюлтирилган газ	ЛТ	3700	810	2997000
	Жами:				5997000

1.2. «Ижрочи» «Буюртмачи» нинг транспорт воситаларини сиқилган газ ва суюлтирилган газ ёқилгиси билан таъминлаш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса олинган махсулот учун уз вақтида пул туловларини ижрочини ҳисоб рақамига утказиш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ХИСОБЛАШИШЛАР ТАРТИБИ

- 2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси қуйидагилардан ташкил топади.
 - 2.1.1. Ижрочи "Мунис ойдин нури х\к" 1-чорак давомида 1200 М3 сиқилган газ ва 810 ЛТ суюлтирилган газ ёқилгисини, буюртмачининг транспорт воситаларига газ ёқилгиси қуйиш шахобчалари орқали таркатиш йули билан амалга оширади.
 - 2.1.2. Мазкур шартноманинг баҳоси 5997000 (беш млн туккиз тўқсон етти минг) сумни ташкил қилади.
 - 2.1.3. Буюртмачи тамонидан Ижрочига шартнома баҳосини тулаш, Ижрочининг мазкур шартномада курсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини қучириш йули билан амалга оширилади. Хар ойнинг 5 кунига қадар «Буюртмачи» ва «Ижрочи» тамонидан таркатиш варақаси орқали олинган сиқилган газ ва суюлтирилган газ махсулоти ва унинг нархи такқосланади.
 - 2.1.4. Буюртмачининг автомобилсига қуйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси ҳисобланади ва уша кунги нарх билан ҳисоб-китоб қилинади.
 - 2.1.5. Таркатиш қайдномаси «ижрочи» тамонидан газ ёқилгиси учун утказилган маблағ «сотувчи»нинг ҳисоб рақамига 100 % утгандан сунг берилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:
 - а) белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини қуйиш учун махсус рухсатнома олиш.
 - б) газ балонинг гиометрик ҳажми ва техник ҳолати тугрисида ҳайдовчининг йул варақасига тегишли белги қуйиш.
- 3.2. Буюртмачи газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомобилардан фойдаланиш давомида, техник хавфсизлиги ва автомобилани техник ҳолати учун тулик жавобгарликни уз зиммасига олди.
- 3.3. Ижрочининг мажбуриятлари:
 - а) Автомашинадаги мавжуд улчов усқуналарини созлиги ва бу масалалардан тугри фойдаланаётганлигини назорат қилиш;
 - б) автомашина ҳайдовчисини газ махсулотлари билан юриш учун гувоҳнома борлигини текшириш;
 - в) Буюртмачи тамонидан шартнома шартларини бузиш ва техник хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳолати аниқланганда, махсулот беришни тухтатиш;
- 3.4. Тарафлар махсулот жамининг уртача кунлик нормасидан келиб чиккан ҳолда ойлик газ микдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиши шарт.
- 3.5. буюртмачи олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага келган узгришлар ҳақида 5 кун муддат ичида Ижрочига ёзма равишда хабар қилиши шарт.
- 3.6. Ижрочи газ қуйиш шахобчаларида мавжуд булган усқуналарини навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин, буюртмачи хабар қилиши шарт.
- 3.7. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % микдорида жарима тўлайди.
- 3.8. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % микдорида жарима тўлайди.
- 3.9. Товар ҳақини ўз вақтида ёқи тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган микдорда пена тулайди.
- 3.10. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган хар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % микдорида пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБИ

- 4.1. Буюртмачига берилган махсулот микдори таркатиш варақаси бўйича ҳисоб қилиб борилади.
- 4.2. Буюртмачига берилган махсулот микдори давлат стандарти тамонидан 13.феврал 1995 йилда (рег.№418) тасдиқланган «АГТҚШ га юборилган газ ёқилгиси ҳажмини улчаш ва унинг ҳисоб китоби бўйича қулланма (РД Уз. 51-034-94) асосида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдингкомпанияси тамонидан 28 ноябр 1995 йилда тасдиқланган «АГТҚШ»да истеъмолчига таркатишган газ ёқилгиси ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ буюртмачининг улчов аспоблари орқали аниқланди.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Ижрочи шартномада курсатилган махсулот билан буюртмачини уз вақтида тامينла олмаса, куйидаги холларда жавобгарликни уз зиммасига олади:

- электр тармоқларида содир булган авария холларида;
- табиий офатлар (ёнгин, ер кимирлаш, сув тошқинлари) юз берган холларда;
- электр тармоқларининг таъмирлаш учун тухтатилганда.

5.2. Шартномада курсатилиб утилган мажбуриятларни бажарилиши буйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунлари буйича жавобгардирлар.

5.3. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган ёкилги газ махсулотлар нархи юкори деб топилган такдирда уртадаги фарк газ ёкилгиси етказиб берувчи томонидан копланади

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома «21» январда тузилган 5997000 сумлик №18 сонли шартнома 2022 йил «21 январдан 2022-йил «31» декабргача амал қилади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Пастдарғом туман газначилик бошқармасида белгиланган тартибда руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга қиради.

6.2. Шартномада курсатилган масалалар буйича юзага келган низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этилади.

6.3. Низолар тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширганларидан сунг уларни хужалик судига куриб чиқишга тошширадилар.

6.4. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари тамонидан имзоланганидан сунг хакикий хисобланади.

6.5. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7. ФОРС - МАЖОР

7.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлсентябрдиган вазиятлар (табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмагнлиги исботланса жавобгар булсентябрди.

7.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тугрисидаги» ги конуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кушимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

8.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

«ИЖРОЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: « Мунис ойдин нури»х\к

Манзили: Пастдарғом туман..

Банк номи:

х/р:20208000204797774001

МФО 00729

СТИР(ИНН): 301302424

ХХТК(ОҚОНХ):

Директор:



С.Диярова

Мухр

Номи: Пастдарғом туман иригация бўлими

Манзили: Пастдарғом туман Жума шаҳар Ипак йўли кўчаси 54 уй

Шахсий х/р: 100010860182277042402170001

СТИР(ИНН) 207264208

МФО 00014

Бошлик

Мухр:



Турниязов.М